

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 09 (557) • www.adolat.uz • E-mail: adolatgazeta@sarkor.uz

Ушбу сонда:

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НАМАНГАН
НОЗИМЛАРИ

Истиқлол
бадиалари

2

КИНОФИЛЬМЛАР
МАЪНАВИЙ
ОЗУКА...МИ?

ҲАМ ЯХШИ,
ҲАМ ЁМОН

ахборотнинг
глобаллашув
жараёни хусусида

3

ЎЗИНГИЗНИ
СЕВИНГ

Психолог маслаҳати

ИБН СИНОНИНГ
БОЛАЛИГИ

Бухорога йўл

4

Ишлаб чиқариш



Ҳ. АБВАЛОВ олган суратлар

Мамлакатимизда аграр соҳанинг ривожланишида Тошкент трактор заводининг ўз ўрни бор. Айти пайтда мазкур заводда иш қизгин. Ишчи-ҳодимлар бир кунда ўртача 35 та трактор йиғишга тайёргарлик кўришапти. Ишлаб чиқариш қувватининг бундай юқори кўрсаткичи пахта ва галла майдонларида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган бободехқонларнинг техник жиҳозларга эга бўлишида катта имконият яратади. Негаки, яқинлашиб келаятган янги экин мавсумининг самарадорлиги сиз суратда кўриб турган техника воситаларига боғлиқ.

Олий Мажлис Сенатида

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган қатор масалалар ва қонунлар муҳокама қилинади.

Кеча эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисида Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг ўтган даврда парламентнинг юқори палатаси бешинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар ва маълумот учун қабул қилдилар.

Парламент юқори палатасининг 2005 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда унинг Кенгаши, кўмита ва комиссиялари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Кўмиталар раислари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъ-

қуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар бўйича хулосалар, бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиш кўзда тутилган бошқа ҳужжатларнинг тайёрлиги ҳақида ҳисобот бердилар, ялпи мажлисининг ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Янги қўшилган қонунчилик ҳужжатларини инobatга олган ҳолда Сенатнинг бешинчи ялпи мажлиси кун тартиби ишлаб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси Кенгаши ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳокама қилинди. Мазкур қонун муҳокамаси яқунлари биноан тегишли хулоса қабул қилинди. Кўмита аъзолари бу қонун-

ни бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўриб чиқишига тақдим этдилар.

Шу кун Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кўмиталар йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти яқунлари ва унинг Кенгаши, кўмита ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чоралари кўриб чиқилди. Шу билан бирга кўмиталар ва уларнинг аъзоларининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, Сенатнинг мазкур кўмиталари томонидан 2006 йилда амалга оширилаётган тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Сенаторлар бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан кўмиталар тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
матбуот хизмати

Ижтимоий ислохотга кўмак — бирламчи вазифа

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби

Шу йилнинг 10 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида Президентимиз ўтган йилда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичларига эришилиб, аксарият кўрсаткичлар сезиларли даражада ошириб ба- жарилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Назаримда, бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар — аввало, иқтисодий макроиқтисодий му- таносибликни таъминлаш, иқтисодий ўсишда етакчи ўрин тутган тармоқларни жадал ривожлантириш билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзига хос демократик хусусиятларига, бандлик ва аҳоли даромадларини кўпайтириш муаммоларига, айниқса, унинг кам таъминланган эҳтиёжманд қатламлари учун зарур ижтимоий муҳофазани кучайтириш билан боғлиқ ва бошқа ижтимоий йўналиш-

даги ўта муҳим вазифалар иж- росига қаратил- ди. Zero, мамла- катимизда иж- тимоий йўна- лишларнинг са- марали тизим- ларини ишлаб- чиқиш ва жорий- этиш ҳамда ўтиш даврида меҳнатга лаёқат- ли аҳолининг ижтимоий муҳо- фазасини таъ- минлаш — бу- гунги кунда ҳуку- матимиз олдида турган гоят му- ҳим вазифалар сирасига қиради.

(Давоми 2-бетда.)

Анжуман

Дори-дармон сифати

муаммо, мулоҳаза, таклиф

Саодат ЖАББОРОВА,
"Адолат" муҳбири

Олий Мажлисининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчи- лик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида амалий конференция бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, соҳага дахлдор вазирлик, кўмита, асо- социация, агентликлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)



Тақдимот

Миллий ёшлар портали



Ҳ. НОСИРОВ,
"Адолат" муҳбири

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Миллий ёшлар портали - MYR.UZнинг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришга масъул идора вакиллари ҳамда олий ўқув юр- тлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей- ларнинг "Камолот" ЕИХ бошлангич ташкилотлари етакчилари, оммавий ахборот воситалари ходим- лари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар келажаги буюк Ва- танимиз ворислари бўлиши ёшлар ижтимоий- сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таълим, илмий адабиёт, санъат, спорт ва бошқа йўналишлар

бўйича ўзбек тилида тўлиқ ахборот олиш имко- нияти яратилгани ҳамда бу ёшларнинг маъна- вий-интеллектуал жиҳатдан камол топишлари- да беҳисоб аҳамият касб этиши хусусида тўлқин- ланиб сўзлашди. Дарҳақиқат, шундай. Янги яра- тилган Миллий ёшлар портали 22 та суб-сайт- дан иборат бўлиб, унда турли йўналишларда юз минг саҳифадан ортиқ маълумотлар, тўрт минг- дан ортиқ сурат ва видеолавҳалар жойлашти- рилган. Портал хорижий интернетдан фойда- ланувчилар давлатимиз, унда улғаяётган ёшлар тўғрисида етарли ва ҳолис маълумотга эга бўлишларида катта имконият яратади. Чунки келгусида порталнинг рус ва инглиз тилларида- ги муҳамал вариантларини ишга тушириш ҳам режалаштирилмоқда.

Ҳамид НОРБЎТАЕВ,
Кармана туман фермерлар уюшмаси
раиси

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамла- катни ижтимоий-иқтисодий ри- вожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим усту- вор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида "Фер- мер ҳўжалиқларининг ривож- ланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда шу жараёнда бевосита боғлиқ бўлган қишлоқдаги туб ислохотларнинг самарали амал- га оширилиши жуда оддий, аммо муҳим бир тамойилга асосланганини унутмаслигимиз керак", — деб ўқитиб ўтдилар.

Ҳақиқатдан ҳам иқтисодий исло- хотларини амалга ошириш, аҳоли ижтимоий аҳолини яхшилаш, дастурхонларимизни қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан тўндириш фермерларимизнинг нечоғли тадбиркорлик билан меҳ- нат қилишларига боғлиқ. Чунки берилган имкониятлардан етар- лича фойдалана олмаётган фер- мерлар ҳам бор-да, ахир. Бунга нафақат уларнинг ўзи, балки баъ- зан хизмат кўрсатувчи ташкилот- лар ҳам сабабчи бўлишаяпти. Масалан, фермер ўзидаги бор билим, куч ва ғайратини сарф- лайди-ю, лекин айрим ҳолатлар- да банклардан вақтида кредитни ололмади. Уғит, техника ва

ёнилги учун ҳафта-ўн кунлаб те- гишли ташкилотлар олдида сар- гаяди. Айти шундай ҳолат биз- нинг туманимиз фермерлари фа- олиятида ҳам юз берган пайтлар бўлди.

Уюшмамиз фермер ҳўжалиқла- рининг шахсий манфаатдорлиги биринчи ўринда бўлиши учун бар- ча чораларни кўриб бораёпти. Му- тасаддиларимиз фермерлар дала-

русумли трактор олиб беришга ердამлашдик. Шунингдек, фермер ҳўжалиқлари жойлашган худуд- ларда нефт маҳсулотлари билан таъминлаш шохобчаларини таш- кил этдик.

Ўтган йили янги фермер ҳўжа- ликлари ташкил этиш юзасидан 58 та ариза тушган эди. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда булажак фермерлар салоҳиятла-

фуқарога ҳам,
давлатга ҳам манфаат
келтиради

лар қийналмасдан олишлари учун бешта шохобча фаолияти йўлга қўйилди. Уларга маҳсулотларни Тошкент, Янгийўл ёғ-мой корхо- наларидан пешма-пеш келтириб турибмиз.

Уюшмамиз тасарруфидида ўтган йили 780 та фермер бўлган бўлса, 2006 йил бошига келиб уларнинг сони 900 тадан ошди. Айти кун- ларда уларга тегишли экин май- донлари баҳорги экин-тикин юмушларига тайёрлаб қўйилди. Ариқ-зовурлар қазилиб, ўғитлар пайкал бошларига келтирилди. Мавжуд техникалар тўла таъмир- дан чиқарилди. Экин мавсуми олдида баҳорги агротехник тад- бирлар семинарини ўтказдик. Унда тажрибали фермерлар фа- олияти кўччиликка ибрат қилиб кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маъ- рузаларида: "Ҳозирги босқичда фермерлар томонидан ўзи иш- лаб чиқарадиган қишлоқ ҳўжали- ги маҳсулотларини, аввало, чор- вачилик ва мева-сабзавот маҳсу- лотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперация- ни турли шакллари ни яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқиши муҳим аҳами- ятга эга", дедилар. Дарвоқе, шун- дай механизм ишлаб чиқилса, фермерлар фаолияти янада жа- дал ривож топан ва улар ман- фаати чинакам устуворлик касб этган бўларди.

2005 йил пахта хомашесининг 66 фоизи,
ғалланинг 55 фоизидан ортиги фермер
ҳўжалиқлари томонидан етиштирилди.
Бугунги кунда мамлакатимиз фермер
ҳўжалиқларида 1 миллиондан зиёд киши банд.

ларида бўлиб, бевосита дехқонлар билан мулоқотда бўлишаяпти, уларнинг дардларини тинглашаяпти. Фермер ҳўжалиқлари ерлари- нинг мелиоратив ҳолатини ўрга- ниб, зарур агротехник тадбирлар олиб бориш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилаяпти. Утган йил "Ўзбекистон" фермер ҳўжалиги техника йўқлигидан туман МПСи- га қатнайвериб анча овора бўлди. Шундан сўнг биз ҳўжалик фаоли- ятини ўрганиб чиққанмизда, жа- жарган фермерларга уларнинг моада техника воситалари харид қилишга пули бўла туриб, уни ололмай овора бўлаётганлиги маъ- лум бўлди. Уюшма қарорини чи- қариб, ҳўжаликка битта "Олтой"

рини атрофлича ўрганиб чиқиб, дехқончиликда тажриба ва етар- ли агротехник билимга эга киши- ларга тендер асосида ер ажрат- ди. Ҳозир асосан пахтачилик, ғал- личилик, чорва ва богдорчилик йўналишида ташкил этилган ма- злур ҳўжалиқларга ердан самара- ли фойдаланиш, алмашлаб экин агротехникаси бўйича амалий ердამ кўрсатаёلمиз. Айти пайт- да режаларини ортиги билан ба- жарган фермерларга уларнинг манфаатдорлиги биринчи ўринга қўйилган ҳолда пахта ёғи, шулка ва шротларни вақтида етказиб бериш масаласини хал қилаёп- миз. Бу маҳсулотларни фермер-

Ҳам яхши, ҳам ёмон

ахборотнинг глоблалашув жараёни хусусида

Дилором НИШОНОВА

Ахборотлашган жамиятда ҳар қандай чегара ўз хусусиятини йўқотади, яъни дунёнинг бир четида содир бўлган воқеа-ҳодиса бир зумда бошқа бир жойда акс-садо беради. Утган асрнинг 50-йиллари охирида Ер суний йўлдошининг фазога учирлиши билан бошланган ахборот инқилоби инсоният ҳаёт тарзини бирмунча қулайлаштирди, кишиларнинг ахборот алмашишуви даражасини юқори кўтарди. Ахборотлар глоблалашувининг ҳам салбий, ҳам ижобий жиҳати бор. Салбий жиҳати шундаки, ахборот инқилоби натижасида ривожланиб кетган оммавий ахборот воситаларида турли мавзудаги ахборот ва кинофильмлар намоиши оддий ҳолга айланади. Улардаги персонажлар фаолияти одамларга, айниқса ёшларга тез ва кучли таъсир кўрсатади. Мисол учун, "Ургимчак одам" фильмидан таъсирланган ёшлар фильм қаҳрамонига ўхшаган ҳаракат қилишлари оқибатида турли даражада жараҳат олишгани маълум. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан беш-олти йил муқаддам АҚШдаги мактаб ўқувчилари ўртасида қотиллик жиноятлари кўпайиб кетган эди. Бунга ҳам, мутахассислар фикрича, ахборотларнинг глоблалашуви сабаб бўлган. Оммавий ахборот воситаларида мактаб ўқувчиларининг қўлига турли турли фильмлар, мультфильмлар, анимациялар, компьютер анимациялари ва бошқаларни кўришлари шундан кўра, ахборотларнинг глоблалашуви сабаб бўлган. Оммавий ахборот воситаларида мактаб ўқувчиларининг қўлига турли турли фильмлар, мультфильмлар, анимациялар, компьютер анимациялари ва бошқаларни кўришлари шундан кўра, ахборотларнинг глоблалашуви сабаб бўлган.

Ахборотлашган жамиятда ахборот глоблалашувининг салбий оқибатлари ҳақида гапирганда, интернет тармоғини ҳам назарда тутиш керак. Зеро, Интернет орқали глобал муаммолардан саналган террорчилик "сўбоқлари", гитхэвдлик моддалари таркиби ҳақида, ҳуллас, жиноятчилик билан боғлиқ "маспалатлар" дунёга тарқатилмоқда.

Инсон ақли, интеллектуал салоҳиятининг бойлик сифатида сотилиши ҳам ахборотлар глоблалашувининг натижаси. Бу


нинг ҳам салбий, ҳам ижобий хусусиятлари мавжуд. Умуман, ахборотлашган дунёда бирор-бир мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари эмас, балки ундаги ақлий салоҳият, интеллектуал билимлар ҳисобга олинади ва бу имкониятларга кўпроқ эга бўлган мамлакат кучли саналади. "Қимда ахборот кўп бўлса, ана шу бой" деган иборанинг моҳияти шунда. Бинобарин XXI асрда энг қиммат товар — бу ахборот бўлиб қолди.

Ҳозирги даврда ҳамма янги ахборотларни олиш имкониятига эга. Ахборотлар глоблалашувининг ижобий томони ҳам мана шунда. Глоблалашувнинг тараққиётга кўрсатаётган ижобий таъсирлари жуда кўп. Унинг натижасида вертикал дунё пайдо бўлди.

Элвин Тоффлернинг "Учинчи тўлқин" асарида ахборотларнинг глоблалашуви натижасида цивилизациялар жуда тез содир бўлади, дейилади. Муаллиф бу жараёни учга бўлиб кўрсатади ва учинчи цивилизациянинг тақдирини инсониятга боғлиқ, деб кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, глоблалашувдан инсоният эзгу амаллари йўлида фойдаланмаса, бу жараён салбий томонга оғиб кетиши мумкин.

Ахборотларнинг, жумладан, порно сайтларнинг кўпайиб кетиши ёшлар ҳаётида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Порнография гарб учун маданиятнинг модерн кўриниши сифатида акс этади. Лекин шарҳ учун бунинг ақси, яъни ёшларнинг ахлоқсиз бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

Олимларнинг фикрича, XXI асрда ҳар қандай мамлакатнинг қудрати юксак технологияларни ишлаб чиқариш билан эмас, янги гоялар билан белгиланар экан. Дарҳақиқат, ҳамма нарсани ишлаб чиқариб бўлган жамият учун яна нима керак. Барча соҳаларнинг глоблалашиб кетиши оқибатида инсталланган, эҳтиёжини қондириш имкониятларининг чексизлиги, кўнгил очар манбаларнинг кўплиги мавжуд маданиятлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Бола таъсирчан

уни ёмон иллатлардан сақламоқ лозим

Т.ТОШТЕМИРОВ,
Балиқчи тумани прокурори,
аллия маслаҳатчиси

Хукуматимиз томонидан ёшларни билим, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ҳуқуқий онгини ўстириш, улар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда турли диний оқимлар таркибига кириб қолиш ҳолларини олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан бир қатор қарорлар, дастурлар ишлаб чиқилиб, изчил ҳаётга татбиқ этилаётир.

Балиқчи туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 52 та умумтаълим мактаб, 4 та коллежда йигит-қизларнинг пухта билим олишлари, касб-хунар эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқдаки, буни туманда ўтказилган бир қатор чора-тадбирлардан кузатиш мумкин.

Бироқ яқунланган йил давомида туманда ўсмирлар ўртасида турли кўринишнинг камайиш ўрнига ортиб бораётгани ташвишланарли ҳол. Улар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонини таҳлил этадиган бўлсак, бевосита шу ишга масъул бўлган мутасадди ташкилотлар яхши олиб бораётганидан далолатдир. Шунинг учун туман ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш гуруҳлари ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари ўз вазифаларини етарли даражада бажармаганликлари учун туман прокуратураси томонидан тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Балоғат оstonасида турган ўспириннинг яхши хулқ ва аъвоқга эга бўлишида биринчи галда ота-она, маҳалла аҳли, ўқитувчи-тарбиячиларнинг роли катта бўлади. Шунингдек, турли теле-

каналлар орқали намоиш этилаётган менталитетимизга хос бўлмаган сериаллар, жохиллик ва қабоҳатни тарғиб қилувчи турли видео дисклар ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилмай қолишига ҳеч ким кафоил бўла олмайди. Яқинда туман марказидан узоқроқдаги қишлоқда айни билим олиб, хунар ўрганиш ёшида бўлган бир йигитча қўшинсининг 6-синфда ўқийдиган қизининг ожизлигидан фойдаланган ҳолда унга нисбатан зўрлик ишлатиб, гайритабиий усулда жинсий эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилган. Унга нисбатан жиноят кодексининг тегишли моддалари қўлланилиб, жавобгарликка тортилди. Яна бир маҳаллада худди кинолардагидек синккоп билан ўсмир йигитчалар қўшинсининг уйига босқинчиликка курашган. Уларга нисбатан ҳам жазо муқаррарлиги таъминланди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин мақсад мисол келтириш ёки улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни қайд этишда эмас, балки бор куч ва эътибор ўспиринлар, вояга етмаган ёшлар ўртасида изчил тарбия ва назоратни қарор топтиришга қаратилмоғи лозим.

Уларнинг дарсдан сўнг нималар билан машғуллиги доимий назоратда турса, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида ўспирин ёшларнинг бундай ҳаёт олиш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун у ёки бу даражада шароитлар яратиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Мактаб ва касб-хунар коллежлари базасидаги турли хил тўғараклар, спорт майдонлари, хунар устоналари фаолияти қоғозбозлик ва расмиятчиликдан иборат бўлиб қолмаслигига эришиш лозим. «Қамолот» ёшлар жамғармалари, халқ таълими бўлими, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда ёшларнинг эътиборини тортадиган тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Адолат" муҳбири

Кинофильмлар маънавий озуқа...ми?

Инсон маънавияти ва тафаккурини шакллантиришда санъатнинг, айниқса кино санъатининг ўрни бекиёс. Ушбу санъат тури дунё миқёсида жадал ривожланиб, турли жанрлардаги кинофильмлар суратга олинмоқда. Хориж кинорежиссерлари томонидан суратга олинаётган бундай фильмлар мамлакатимизга кўплаб кириб келмоқда. Уларнинг мазмунлари турлича, воқеа сюжетлари ҳам ранг-баранг, жанрлар хилма-хил: комедия, детектив, жангари, мелодрама, ваҳшиёна (ужас), шарм-ҳасис (порнография) фильмлар. Ҳўш, уларни санъат асари деб баҳолаша бўладими? Кишилар хулқ-атвори, онгида илқ таассурот қолдира оладими?

Сир эмас, айрим тадбиркорларимиз борки, улар томонидан мўмай даромад олиш мақсадида божхона тўловларисиз, ноқонуний равишда, аудио-видео кассета, дисклар билан савдо қилиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Улар ичида миллий қадриятларимизга мос бўлмаган, кишилар маънавиятига, айниқса ёшлар онига салбий таъсир кўрсатадиган кўп махсулотларининг кўплиги кишини таажублота солади.

Ҳозир компьютер ўйин хоналари, кичик видеозалларда асарият ҳолларда мактаб ёшидаги ўспиринларни учратиш мумкин. Қолаверса, видео, DVD жиҳозларига эга бўлган хонадонлар ҳам талайгина. Сотиб олинаётган ки-

нофильмлар ҳам кўпроқ ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Боз устига, уларнинг жангари, мелодрама, ваҳшиёлик госяи билан йўғрилган сюжетларга бўлган қизиқишлари анчайин юқори.



Кинофильмлар санъат асари ҳисоблангани боис, ундан фақат маънавий озуқа сифатида фойдаланилади.

Мазмун-моҳияти, госяи номақбул кино асарларининг тобора оммалашиб бораётгани хунуқ оқибатларни келтириб чиқармайди, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Бунга бир мисол: Андижон вилояти, Балиқчи туман прокурори Т. Тоштемиров бир жиноят тафсилотини айтиб берди. Унда икки ёш ўспирин худди кинолардагидек, қизиқиш билан юзларига ниқоб тортиб, ён қўшинисиникига

ўғирликка тушишган. Беҳаё кинолар таъсирида ёш қизларнинг номусига тегиб, жиноятга қўл урган шахслар ҳақида ҳам кўп эшитганми. Қолаверса, бу каби фильмлар одамлар руҳиятига, уларнинг характер хислатларига салбий таъсир ўтказа олар экан. Бу ҳақда психолог фикр-мулоҳазаларини тингласангиз амин бўласиз.

Ўтказилган кўплаб кузатувлардан маълум бўлишича, жангари, ваҳший ва бошқа жанрдаги фильмлар сюжетини шахсда ҳаяжонланиш, қайғуриш, воқеаларга киришиш кетиши, қаҳрамон билан биргаликда ҳаракат қилиш хисларини уйғотади, — дейди психолог Ф. Ақромова. — Шу билан бирга қаҳри каттиқлик, худбинлик, тажовузкорлик, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада фаоллик характерини шакллантиради. Бу эса ўз навбатида кўпична ёшларга тез таъсир этади. Қонгли эшиқлар, турли мушлатиш, ур-ийкилар шахсининг агрессив ҳолатга тайёргилини ривожлантиради. Натижада кишини раҳисиз, бешафқат, тажовузкорлик хислатларига мослаштириб боради.

— Ушбу жанрдаги кинофильмлар ўқувчи-ёшлар тарбиясига факатгина салбий таъсир кўрсатиб-гина қолмай, таълим олиш жараёнининг бузилишига ҳам олиб келади, — дейди Халқ таълими вазирилик маънавий-маърифий, тарбиявий масалалар бўлими бош-лиги Ҳ. Акбаров. — Чунки, мактаб ўқувчиси дарсдан қочади, кинозаллар, компьютер ўйин хоналарида вақт ўтказади. Бу ҳам етмаганидек, унда ҳам турли видео, DVD жиҳозларида фильмлар томоша қилади.

Қарабсизки, дарс тайёрлашга, машғулота вақт қолмайди. Энг ташвишланарлиси, ўсмир ёшлар ўртасида турли кўринишдаги жиноятларга мойиллик уйғонади. Бунда, албатта ота-оналарнинг ҳам яхшигина "ҳиссаси" бор. Оилда фарзанд тарбияси, унинг хулқ-атвори, нима билан машғуллиги хусусида назорат бўлмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ахир, бола бошидан, деб беҳиж айтилмаган.

Этибор берган бўлсангиз, аҳоли гавжум жойларда, бозорларда, дўконлар, савдо қаторларига аудио-видео, компакт дискларини ижарага бериш, сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар кўпчиликини ташкил этади. Лекин, уларнинг барчаси ҳам қонуний фаолият юритаяпти, деб бўлмайди. Аввало, ушбу тадбиркорлик тури билан шуғулланувчилар мах-

сус лицензияга эга бўлиши, тегишли ташкилотлар, ишлаб чиқарувчилар билан лицензион аудио-видео кассеталар, компакт дисклар сотиш учун шартнома тузиши, хориж махсулотлари бўлса, божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган ҳолда ҳамда стационар савдо нукталарида назорат-касса машиналари орқали фаолият кўрсатишлари шарт. Афсуски, бу борада қонун бузилишлари, амалдаги меъёрий ҳужжат талабларини четлаб ўтиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бу билан уларнинг тадбиркорман, деб юрган шахслар давлат бюджетига, кишилар маънавиятига қанчалик зарар етказишаётганлигини билишармикан?

Яқинда Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Чорсу ер ости йўлида савдо қилаётган фуқаро С. Раҳмоновнинг шундай устамонлардан эканлигини фош этишди. Текширувда 1 миллион 49 минг сўмлик ноқонуний кассеталар борлиги аниқланди. Ёки "Санъат VCD" хусусий фирмасига қарашли видеокассеталарни ижарага бериш шохобчасида ҳам қонунийлаштирилган бўлиши боис, 2 миллион 40 минг сўмлик видео-кассеталар савдодан олинган. Яқкасарой туман давлат солиқ ин-

спекция ходимлари ҳам фуқаро А.Балаев фаолиятини текширувдан ўтказишганда қарангки ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган жами 5 миллион 45 минг сўмлик видео-кассета ва компакт дисклар маъ-

ра қилинди. Фуқаро А.Усмонов ҳам тегишли ҳужжатлар асосида фаолият юритганида эди, 474 минг сўмлик видео кассеталардан ажраб қолмасди.

Ҳеч қандай лицензияга эга бўлмай, ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган кимсалар томонидан инсонлар руҳиятига, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган, миллий, анаъналаримизга эид аудио, компакт дисклар, хаттоки порнографияк мавзудагилар, айниқса Чорсу атрофлари, "Чилонзор буюм бозори", "Қарвон бозори", "Янгибод иختисослаштирилган универсал бозори", ТТЗ мавзесидаги "Ширин дехқон бозори" худудларида кўплаб сотилмоқда. Ачинарлиси, айнан ушбу жойлардан республикаимизнинг турли вилоятларига улар беэмаза қовунини уруғидек тарқаб кетаётир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мақсад далил ва рақамлар келтиришдан иборат эмас, балки амалдаги қонун-қоида талаблари, унинг ижросини таъминлашдир. Солиқ хизмати, прокуратура, ички ишлар ва бошқа мутасадди идоралар бу борада назоратни қучайтирсанлар, давлат ҳазинасига тушаётган маблағларнинг кўпайишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик, жиноятларнинг олди олиншига, энг муҳими инсон маънавияти, ёшларнинг соғлом фикри, баркамол вояга етишишига ҳисса қўшган бўлардилар.

Конгресс норозилигини баён қилди

Алишер Назаров



АҚШ маъмуриятининг Яқин Шарқда олиб бораётган сиёсати қатор республикачи сенаторлар томонидан қаттиқ танқид остига олинди. Конгресснинг юқори палатаси мажлисига АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ҳам чақирилиб, Ироқ, Эрон, умуман, Яқин Шарқда рўй бераётган нохуш ҳодисалардан норозилик билдирилди.

Амалдаги ҳукумат Афғонистон ва Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошлаганига бир неча йил бўлди. Бироқ қўлланган батомон тутғиши учун уринишлар деярли бесамар кетмоқда. Қўрилаётган молиявий зарар ҳажми ҳам ортиб, ҳалок бўлаётган америкалик аскарлар сони тобора кўпайиб бораётган.

Мажлисида Сенат аъзолари мазкур масалалар билан боғлиқ танқидий фикрлар ва қатор саволлар билан АҚШ давлат котибинини оғир аҳволга солиб қўйди. «Ироқ ва Эронда вазият ижобий томонга ўзгариш ўрнига кундан-кун чигаллашиб бормоқда», дейди республикачи сенатор Чак Хейгел.

Маълум бўлишича, К.Райс ва республикачи сенатор Линкольн Чейфи ўртасида ҳам қизгин баҳс-мунозара бўлиб ўтган. Л. Чейфи АҚШ давлат департаментини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қўнғилдагидек бажара олмаётганини таъкидлади. Яқин Шарқ муаммосига ечим топишда қийин давр бошланганини билдирган К.Райс, ҲАМАСИЯнинг галабаси учун АҚШ масъул эмас, деб ўзини оқлашга ҳаракат қилди.

Таъкидланганидек, Ч.Хейгел ва Л.Чейфи ҳуқуқрон республикачилар партияси вакиллари. Уларнинг қарашлари конгрессда Ж.Буш олиб бораётган ташқи сиёсатдан норозилар сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хитойда тамакига чеклов

Бугун дунёда тамаки муаммосига қарши курашиш, уни бартараф этиш учун тадқиқотлар, иланишлар олиб борилаёпти.



Мазкур зарарли махсулотга талаб катта бўлган Хитойда янги тамаки фабрикаларини барпо этиш тақиқлаб қўйилди. Бунда маҳаллий ишлаб чиқаришдан ташқари хорижий компаниялар билан қўшма корхоналар ташкил этишни тўхтатиш ҳам назарда тутилган.


Хитойнинг БМТдаги махсус вакили Ша Цзукан тамаки санаятининг назорат қилиш бир кунда амалга ошириладиган иш эмаслиги, бунинг ортида аҳоли саломатлиги масаласи турганлигини таъкидлади. Шу боис бундай назорат ижтимоий ва иқтисодий вазифа саналиб, қатъий сиёсатга асосланмоғи даркор.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида айтилишича, ҳозир Хитойда 350 миллионга яқин кашанда бор экан. Маҳаллий тамаки бозори эса мўмай даромад манбаига айлиниб улгурган. Шунингдек, Хитой сигаретлари дунёда энг арзондир. Ушбу мамлакатда кашандалик йилга 1 миллион зиёд киши ҳаётига зомин бўлаётир. Айни ҳолат соғлиқни сақлаш ходимларини жиддий ташвишлантирмоқда.

Хитой 2005 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамаки махсулотларини назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатини ратификация қилган ва ундаги қоидалар ижобат бўлса, мамлакатда чекувчилар сони 50 фоизга камаёди. Бу билан 2050 йилга бориб 200 миллион кишининг ҳаёти сақлаб қолинишига эришиш мумкин.

Парранда гриппи чегара билмаяпти

Европа ва Осиё минтақаларида парранда гриппи ҳамон кенг тарқалмоқда. Эпидемияни қўзғатувчи H5-N1 вируси оқибатида нобуд бўлган ёввойи қўшлар топилмоқда.



ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабар беришича, Германия шарқидagi Рюген оролида 22 ёввойи қўшнинг парранда гриппидан нобуд бўлганини аниқланган. Мамлакат ҳукумати бу худудда фавқулодда ҳолат жорий этди. Оролга Германия қуроли кўчларига қарашли аҳолини бактериологик қуроолардан ҳимояловчи махсус бўлимнинг 300 мутахассиси сафарбар қилинди.

Германия расмий доиралари H5-N1 вирусининг тарқалиш кўлами кенгайиши ва касалланган ёввойи паррандалар микдори янада ортиши мумкинлигини маълум қилган. Шу боис эпидемия қайд этилган худудларда барча хонаки паррандаларни йўқ қилишга қўрсатма берилди. Шифохоналар бу ҳасталик билан оғриган беморларни қабул қилишга шай этиб қўйилди.

Руминияда ҳам парранда гриппи аниқланган худудлар тобора ортмоқда. Мазкур жойларда зудлик билан карантин ҳолати жорий қилинаётир.

Хитойнинг Сянган маъмурий туманида ёввойи қўшларда яна вирус қайд этилди. Эпидемия тарқалишининг олдини олиш мақсадида бу ердаги фермаларда мавжуд барча паррандаларни йўқ қилиш ҳақида қонун қабул қилинган. Айтиш ўринли, Сянганда парранда гриппи биринчи бор бундан 6 йил аввал аниқланган ва унда 6 киши ҳаётдан қўз юмган эди.

Т А Ф А К К У Р

БИЛМАГАНЛИГИМИЗ САБАБЛИ БИЛГАН НАРСАЛАРИМИЗНИ АЙТМАЙ ҚЎЙИШИМИЗ ҲАМ ЯХШИ ЭМАС. **Беруний**

Таълим

Юксак эътибор самараси

Олим СУВОНОВ.
Навоий педагогика коллежи директори, техника фанлари номзоди
Республикамиздаги барча педагогик билим юрлари ва техникумларнинг ўрта махсус касб-хунар таълими тизимига бирлаштирилиб, уларга педагогика коллежи мақоми берилгани таълим ишларини замонавий шаклда ташкил этиш ҳамда кўтилган натижаларга эришишнинг энг қулай усулларидан фойдаланишга тўла шароит тугдиради.

Урта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбариятининг ташаббуси билан тўзилган Республика педагогика коллежлари директорларининг кенгаши Мазкур соҳада эришилган ютуқларни омдалаштириш ҳамда янги педагогик технология асосида таълим жараёнини такомиллаштириш юзасидан тажриба алмашишга бош-қош бўлаётди. Кенгаш фаолияти таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос мактаб вазифини утай бошлади, деб айта оламиз.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун замонавий иншоотларнинг бунёд этилгани, ўқув юрлари зарур жиҳоз ва компьютер техникалари билан таъминлангани, шунингдек, педагог мутахассисларнинг малака оширишлари изчил йўлга қўйилиши натижасида тизимдаги ислохотлар қўламини кенгайтиб, педагоглар фаолияти жадаллашди.

Соҳада маънавий-маърифий ишларнинг яхши йўлга қўйилгани тўғрисидаги таълим ишлари синф ўқитувчилари ўзларининг келгусидаги фаолиятларини такомиллаштириш имкониятига эга бўлишди. Чунинчи, уларнинг олий маълумот олишлари учун университет ва педагогика институтларида 3 йиллик махсус факультетлар очилди. Бу эса педагогларнинг ишдан ажралмаган ҳолда, ўз билим ва малакаларини оширишда катта имконият ҳисобланади.

УМКХТМ томонидан тизимдаги бошқарув стратегияси оқилона йўлга қўйилган. Қисқа муддатда коллеж ва академик лицейлар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Олий ўқув юрлари билан тўзилган икки томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида илмий-назарий ва услубий иланишлар фаоллашди. Шунингдек, ўқув жараёнининг асоси ҳисобланмиш фан кафедраларининг ташкил этилгани, барча фанлардан маъруза матнлари тайёрлангани, уларнинг электрон версиялари яратилгани натижасида ўрта махсус ўқув юрларида таълимни янги технологиялар асосига қуришга эришилди, ўқув юрларининг кутубхоналари бойитилди.

Айни пайтда тизимда ўқув жараёнини амалиёт билан узлуксиз уйғунлаштириш, ишлаб чиқариш ва саноатнинг барча тармоқлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида жиддий иш олиб борилмоқда. Бу эса ўқувчи ёшларнинг касб-хунар малакасини пухта эгаллаш, зарур қўникмаларни ҳосил қилишларида муҳим аҳамият касб этаётди.

Илҳомжон СИДДИКОВ.
Бувайда туманидаги Ал-Фарғоний номи 2-вилоят ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори

Лицей-интернатимиз вилоятда ўз ўрнига, салоҳиятига эга бўлган илм масканларидан бири сифатида эътироф этилади. Шу боис бу ерда билим олишни истовчи ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Жамоамиз эришаётган натижалар кўпчилигининг ҳавасини келтираётгани ҳам бор гап. Албатта, лицейимизнинг бундай мавқеига бу ерда фаолият юритаётган устоз-мураббийларнинг фидойчилиги тўғрисида асос солинган. Лекин, бу ютуқларимизни, биринчи навбатда, таълим соҳасида ҳукуматимиз амалга ошираётган ислохотларнинг меваси сифатида баҳоламоқ керак.

Кутаринки кайфият ҳукмрон бўлган жамоада ютуқлар ҳам салмоқли бўлади. Утган ўқув йилида лицейни 80 нафар йигит-қиз битирди. Уларнинг 64 нафари, яъни 80 фоизи турли олий ўқув юрлари талабаларига айланди. Фан олимпиадаларининг вилоят босқичида 26 нафар ўқувчимиз иштирок этиб, улардан 9 нафари совринли ўринларни қўлга киритишди. Республика олимпиадаларида физика фанидан катнашган Эркин Ҳамдамов фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, олий ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Утган йили ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мухторжон Ёқубов "Иждоқор ўқитувчи" қўриқ-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Урганч шаҳрида ўтказилган "Ўзбек тили таълимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" номида республика илмий-методик анжуманида яна бир ўқитувчимиз Баҳромжон Мамадалиев ўз маърузаси билан катнашди. Унинг маърузаси вазирлик томонидан тайёрланган тўпламда чоп этилди.


Мамлакатимизда ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётди. Бунинг натижасида ўқув масканлари қиёфаси замонавий тус олиб, замон талаблари даражасидаги жиҳозлар билан таъминланаяпти. Бу янгилаш жараёнидан лицейимиз ҳам баҳраманд бўлмоқда. Айни кунларда кенг қамровли таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Ҳукуматимиз томонидан ажратилган 260 миллион 200 миң сўм маблағ эвазига ошхона, ётоқхона, ўқув бинолари мукамал таъмирдан чиқарилмоқда. Спорт зали янгилик қуриляпти. Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйи арафасида ўқув масканимиз қиёфаси бутунлай ўзгара бўлади.

Спорт

Даствлабки ўйин, ғалаба

Боҳир БЕК

Қитъамизнинг 12 шахрида 2007 йилнинг 7-29 июль кунлари бир йўла тўрт мамлакат — Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнамда бўлиб ўтқанидан футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш босқичи беллашувлари бошланди.



Таниқли россиялик мутахассис Валерий Непомняший бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳдаги даствлабки учрашувда Бангладеш терма жамоасини ўз майдонида қабул қилди.

Учрашув футболчиларимиз устунлигида ўтди. Даствлабки дақиқалардан ҳужумга зўр берган ҳамюртларимиз биринчи бўлимда рақиб дарвозасини уч маротаба аниқ нишонга олди. Голларга Александр Гейнрих, Сервер Жепаров ва Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги энг яхши футболчиси — Максим Шацких муаллифлик қилди. Уйиннинг иккинчи ярмида эса Александр Гейнрих ва Максим Шацких яна бир мартадан Бангладеш посбонини ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилди. Гуруҳ аутсайдерини 5:0 ҳисобида маглубиятга учратган Ўзбекистон миллий терма жамоаси даствлабки уч очкони қўлга киритди.

«F» саралаш гуруҳида Ўзбекистон ва Бангладеш миллий терма жамоаларидан ташқари Қатар ва Сянган футболчилари ҳам ўрин олган. Ўзбекистонлик чарм тўп усталари навбатдаги учрашувларни 1 март кун гуруҳдаги асосий рақиб — Қатар миллий терма жамоасига қарши сафарда ўтказди.

Боксчиларимиз муваффақияти

Болгарияда ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда ўн нафар ҳамюртимиз туққизта медални қўлга киритди. Анъанавий тарзда ташкил этиладиган ушбу мусобақада ўзбек боксчилари учта олтин, битта кумуш ва бешта брон-

за медалига сазовор бўлиди. 54 килограмм вазнда Отабек Шоимов, 60 килограммда Жаҳонгир Сувокулов ҳамда 75 килограммга бўлган оғирликда Шерзод Абдурахмонов олтин медалга сазовор бўлди.

Республика биринчилиги

Пойтахтимиздаги "Динамо" спорт жамятида қўл жанги бўйича 10-11 ёшли ўсмирлар ўртасидаги Республика биринчилиги бошланди.

Беллашувларда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 140 га яқин спортчи иштирок этмоқда. Мусобақа голлиблари 23 февраль кун маълум бўлади.

Сўнги йилларда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор тўғрисида ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг қўл жанги федерацияси фаолиятида ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар энг чека кишлоқларда ҳам етакчи спортчиларни етиштириб чиқишга сабаб бўлмоқда. Натижада Фарғона, Наманган, Жиззах ва Қашқадарё спортчилари яхши натижаларга эришиб келмоқдалар.

"Туркистон-пресс"

Ибн Синонинг болалиги

Мақсуд ҚОРИЕВ

Бухорога йўл

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ез бошланди, илик-иссиқ кунлар келди. Жонга роҳатбахш кунлар. Кечқурун хуфтон номозидан кейин Абдуллоҳ ўглини ҳузурига чақириб:

— Эрта билан Бухорога бориб келурмиз, сотиб олган уйимизни кўриб келурсан, агар сенга ёкса кўчиб борармиз, — деди.

Хусайн ўзида йўқ хурсанд, Бухоро шаҳри ҳақида кўп эшитган, аммо ҳали бориб кўрмаган эди. Мана, Бухорои шарифни зийрат айлайдиган, насиб этса, ўша шаҳри азиямда яшайдиган бўлди.

— Сенга Содиқ қаровнининг эшагини олиб берурман, ҳарқалай анча юввош, бемалол миниб кета берурсан, мен бўлсам саманни минармен, — деди Абдуллоҳ.

Хусайн шу дамгача от ҳам, эшак ҳам минмаган, қандай бўларкин, деб ўзича хаёлидан ўтказди.

— Сен ҳали от минишга ўрганмаганин учун ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим, ҳартуғур эшак от эмас, минишга анча қулай.

"Нима бўпти, анави Сирожнинг отаси доим эшак миниб юрадур. Сирож ҳам минишга ўрганган, ўртоғим мингандан кейин нечук мен минослам эканмен, ундан кам жойим борму", деди Хусайн ўзига-ўзи.

Хуллас, эрта тон билан отабола қайдасан Бухоро, деб йўлга тушиди. Тупроқли йўллар, бийдай далалар, битта ҳам даракт учрамайди, онда-сонда от, тўя, эшак минган йўловчилар дуч келади. Уларнинг аксарияти жафокаш дехқонлар. Бухорога савдотик учун ё бўлмаса иш қидириб кетаётган йўқчиллар.

Хусайн минган эшак ҳар ҳолда анча юввош экан, хурсанд бўлиб отасининг ёнида бемалол, "менга эшак миниш нима бўпти", дегандек гош ўтириб кета берди. Хуллас, пешинга яқин шаҳарга кириб боришди. Дарвозадан киришлари билан гавжум шаҳарни кўриб Хусайн қийналганларини нутиб, чарчоклари кетгандай бўлди. Завқ-шавқ ила атрофга кўз ташлади. Файтунларда кетаётган бой-боёнлар, юкли, юксиз от-аравалар, йўл четидидаги йўловчилар, мадрасалардан чиқиб кўчаларни тўлдириб юрган талаба-ю толиблар, кимнингдир юкни елкасига кўтариб бораётган ҳаммоллар, қўлларига асо ушлаб "ё Аллоҳ, ё Аллоҳ" деб бошларини у ёқ-бу ёққа сарнак-сарак қилиб бора-

Тарихий қисса

ётган дарвешлар, хуллас, хилма-хил, ранг-баранг дунё Хусайннинг кўзига бошқача кўриниб, мурғак қалбида ҳис-туғён уйғотади. Эшакдан тушиб "Ассалом Бухоро! Мен Абдуллоҳ ўгли Хусайнман, Афшондан келдим, энди сенга ўғилман, насиб этиб кўчиб келсам бир умр бухоролик бўлиб қоламан", деб ўзини танитмоқ, овозининг борича бақирмоқ истарди. Лекин оломонга қўшилиб кетиб, отасидан адашиб қолишдан, эшаги бирорта бегона эшакка ханграб юборишидан қўчиб, жиловни маҳкам тутганча унсиз борарди.

Абдуллоҳ ўгли билан ана шу машҳур шаҳарнинг хиёбонлари-ю расталаридан ўтиб, тепага қараб кетган тор кучадан сотиб олинган хонадон томон боришарди. Ниҳоят етиб келишди ҳам. Уларнинг келганидан хабар топган Абдуллоҳ қўйиб кетган хизматкор йигит катта дарвозани очиб, от-уловларни ичкарига киритди.

Ховли анчагина катта, пешайвонли, эътибор билан солинган бир неча уй. Уртада эса супа. Гулзор, ховли адоги мевали дарахтлар. Гилос пишиб, уни аллақачон қўшлар саранжом қилиб кетишган, ўрик шигил мева қилган, эндигина саргайиб келмоқда. Яна икки туп олма, кечки бўлганлиги учун кўм-кўк айвон ёнидаги хусайнни ҳали ғўра.

— Мана шу бизнинг ховлимиз, сенга ёқдими Хусайн? — деди отаси ўғлига қараб.

— Шу ховлида тураимизми, отажон?

— Бу ховли сеники, шу ерда униб-устайсен ўғлим. Махмуд ҳам, — Афшондаги боғимиз-чи, уйни ташлаб келаваримизми?

— Бу маконни, яна айтаман, сени деб олдим, шу ерда ўқиб, улгаюрсан, ўғилгинам. Хусайн отасининг меҳрибонлигидан хурсанд, чунки унинг орзуси, умиди ўқиб, ҳаётдан ўзига муносиб ўрин топиб олиш. Бу улкан билим ва маърифат шаҳрида унинг орзу-умидлари, албатта, ушалган. Бунни отаси Абдуллоҳ яхши билди.

Эртаси Афшонага қайтиш олдидан нонуштага ўтирганларида Абдуллоҳ дастурхон атрофида хушнуд ўтирган ўғлига ҳавас билан қараб, деди: — Энди Афшонага бориб, кўч-кўронларимизни, онанг ила уканг Махмудни олиб кўчиб келурмиз. Сен чикиб эшагингни эгарлаб тур. — Яна ўша эшакни миниб келтурманму, — деди зорлангандай ўғли.

— Мен ҳам бир вақтлар эшак минганмен, кўнглингни тўқ тут, бундан кейин минмайсен.

(Давоми бор.)



ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Собир Раҳимов туманидаги 100-маҳсус мактаб-интернатда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг турли вилоятларидан келган 263 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Тажрибали педагог Муҳаддас Мираҳмедова раҳбарлик қилаётган ушбу ўқув даргоҳида эшларнинг пухта таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Янги ўқув йилида 30 нафар ўғил-қиз мактаб-интернатнинг биринчи синфига қабул қилинган. Қуни кеча Ниҳола Шамсиева, Муҳлиса Йўлдошева, Нарғиза Тошматова, Мавжуда Юсупова сингари малакали ўқитувчилар устозлигида ёзиш ва ўқишни ўрганиб олган болажонлар ўзларини илк саводхонлик байрамини ўтказдилар.

Суратда: тadbирдан лавҳа.

Психолог маслаҳати

Ўзингизни севинг ҳадемай ҳаётингиз бутунлай яхши томонга ўзгаради

Ф.АКРАМОВА, А.УСМОНҲУЖАЕВ

Айрим кишиларнинг фикрича, ўз-ўзини севиш, ўз-ўзига муҳаббат қўйиш худбинликдир. Бизнингча эса, асло бундай эмас. Негаки, бу ўз шахсини хурмат қилиш, ўзининг "мен"ини тушуниш ва тан олиш демакдир. Биз ўз-ўзини севиш асосида бошқаларни ҳам севиш лозимлигини ўрганамиз. Колаверса, ўз-ўзини севиш ҳаётни севишни англайди.

Одамларни қандай яшаш лозимлигига ўргатиш мурраккаб муаммо; бунга фақат руҳий устозларгина қодирдир. Бироқ ҳар биримиз бир ҳақиқатга — ўз-ўзимизни севишга бўлган имконга эгамиз; ўз-ўзини севиш — амалда ана шу йўналишда ташланган даствлабки одим. Сиз ўзингизни кашф этар экансиз, биомайдонингиз нечоғли кучайиб бораётганингни, кучли руҳий химоя вужудга келаятганингни сезиб турасиз. Биомайдонингиз сизни турли тажовулардан асраб қолади.

Ўз-ўзингизни севишга киришар экансиз, зинҳор бу борада олдингизга шарт қўйманг ("Фалон-фалон мақсадга эришсамгина", "Яхши мансабга минсамгина" ёки "Чиройли ташки қиёфага эга бўлиш учун фалон килограмм оғирликда озсамгина" деган маънода). Қандай бўлсангиз, ўзингизни ана шундай ҳолатда севинг. Бу ишни бошқа кунга қолдириб бўлмайди. Зеро, ўзингизга нисбатан ҳар бир даъвоингиз ўзингиз билан биргалликда эртанги кунга одимлайди. Бинобарин, яна такрорлаймиз: ўзингизни бугун, ҳозир, шу лаҳзадан эътиборан севинг.

Ўзингизга муҳаббат туғисини ҳосил қилиш учун кўзгу олдида ўзингизни ижобий сўзлар билан ишонтиринг. Масалан, кўзгудаги аксингизга шундай дег: "Мен сени севаман". Кўзгу сизнинг ботиний онгингиз билан мулоқотга киришингизни кучайтиради. Энди тасаввур қилинг: омадингиз чопиб, қутилмаганда катта ютуқни қўлга киритдингиз.

Бунинг учун, аввало, сиз ўзингизнинг ички кучларингиздан миннатдор бўлмогингиз лозим. Кўзгу қаршисига бориб, аксингизга бахтга етказгани учун миннатдорчилик билдиринг. Борди-ю ишингиз чаппасидан кетиб, омадсизликка дучор бўлсангиз ҳам кўзгу қаршисига бориб, шундай дег: "Нима бўлганда ҳам сизни яхши кўраман, севаман, севаман..." Агар оилангизда муаммо содир бўлса, ота-онангиз, рафиқангиз ёхуд фарзандларингиз билан муносабатингиз ёмонлашиб қолса, у ҳолда ташқаридан айбдорни изламанг. Қайси салбий ҳолатлар оила аъзоларингиз билан мўътадил алоқа боғлашга халал берди — шуни таҳлил қилинг. Бундан кезларда ҳар кўни кўзгу қаршисига ақалли бир марта келиб: "Ойла аъзоларининг ҳар бири билан муносабатим аъло даражада" дейишни унутманг.

Оқорида айтилган сўзлар ўзингизга малол келмайдиган даражага етган, ўзингизни имкони борича гўдак қиёфасига келтиринг. Ундан кезсиз меҳр-муҳаббатингиз йўғрилган сўзларингизни аяманг. Агар мазкур машини муттасил такрорласангиз, у ҳолда бу ажойиб ҳиссиёт ҳадемай ҳаётингизни бутунлай яхши томонга ўзгартириб юборди. Бунни тушунтириш учун бир мисол келтираймиз. Фарзандингиз ёки ўқувчингизни бирор бир ютуғи учун мақтаб қўйдингиз, дейлик. Шундан кейин у кейинги ишларини янада яхшироқ бажаришга астойдил интилади. Чунки сиз уни эришган ютуғи, қилган иши учун рағбатлантирдингиз. Рағбат эшитиш, хайрихоҳликни ҳис қилиш унга ёқди. Аксинча, яхши амалини маъқулламаслик унда бефарқлик, лоқайдлик ҳиссини шакллантиради.

Маълумки, ҳар бир кишининг ҳаётини бахтиёр деб ҳис қилган дақиқалар бўлган. Уша дақиқаларда унинг ҳамма ишлари ўнганда келган. Атрофдаги одамлар уни кучли шахс сифатида тан олишган, унга қойил қолишган. Уша лаҳзаларда хатто унинг ўзи ҳам ўзига тан берган. Сиз ана шу эпизодни кўз олдингизга келтиринг, уша лаҳзаларни қайта бошдан кечиринг. Бунда асо-



сий эътиборингизни ўша эпизоддаги муҳим, бахтли ўринларга қаратинг, уларни ҳис қилинг. Шундан сўнг ҳозирги замонга қайтинг. Ўзингизни бахтли, омади чопган инсон сифатидаги ҳиссиётингизни "ушлаб" турунг. Ижобий туйғуларни ҳис этишда ҳам кўзгу олдидаги машқдан фойдаланишингиз мумкин.

Ҳеч қачон ўзингизга шафқатсиз муносабатда бўлманг. Ўз-ўзингизга бўлган меҳр-муҳаббат шахсингизга нисбатан эзгулик, ҳалимлик ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлишни англайди. Бу аъло, айниқса, феъл-атворингизни ўзгартираётган маҳалингизда жуда муҳимдир. Сиз фақат ўзингизга нисбатан сабр-тоқатли бўлманг, балки ишлаш жараёнида асқотадиган сабр-тоқатни "жамлаб" қўйишни ҳам унутманг. Агар фаолиятингизни ижобий муносабат билан баҳоласангиз, у ҳолда бир ҳақиқатга амин бўлинг: бу борада бир-икки машқ қилиш билан иш битмайди. Негаки, ҳар қандай ўзгаришга эришиш узоқ вақт чидам билан машқ қилишни талаб этади. Шунингдек, ўз-ўзингизни севиш учун машқлар оралигида қандай юмуш билан банд бўлишингиз ҳам муҳим. Танлафус чоғларида ички маромни сақлаб туришингиз талаб қилинади, бинобарин ўз-ўзингизни ўзгартириш жараёнида сиз ҳар қандай кичик муваффақият учун ўзингизни мақтаб қўйишингиз катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгашининг ижтимоий-сийёсий газетаси
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Тахрир ҳайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаррам КЎЗИЕВ, Турғунўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Тальят МУРАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14; Факс — 133-41-89; Котибият — 136-55-96; Сийёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89; Хатлар бўлими — 136-55-64; Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39; Иқтисодийёт ва саноат бўлими — 136-54-39; Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96
Навбатчи муҳаррир — Д. Жозилов; Навбатчи — М. Абдушукуров; Мухасҳҳ — Н. Мухсимова; Саҳифаловчи — Л. Турсунов
«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририй рухсати билан амалга оширилади. t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Буюртма Г— 400; Ҳажми — 2 босма табоқ; Офсет усулида босилган; Қоғоз бичими А-2; Адади — 1897
Нашр индекси — 100; Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.
Босишга топшириш вақти — 20.00; Босишга топширишди —

ТАФАККУР 4